O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ватан ҳимояси • иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ**

● 2003 йил, 11 сентябрь, пайшанба № 110 (1842).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

**ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

● Четверг, 11 сентября, 2003 г. № 110 (1842).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.


## БУХОРО ВА САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари Бухорони зиёрат қилди.

Малайзия Қиролининг қадим ва навқирон Бухоро шаҳри билан танишуви Пойи Калон мажмуидан бошланди.

Меҳмонга мажмуа тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Масжид VIII асрда бунёд этилган. Шўролар даврида ундан омбор сифатида фойдаланилган. Истиқлол йилларида қадриятларимизга кенг йўл очилгач, Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мажмуада кенг кўламдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. У Марказий Осиёдаги энг катта масжидлардан биридир.

Олий мартабали меҳмон Пойи Калон мажмуига кирувчи Мир Араб мадрасасини зиёрат қилди. Айни кунларда мадрасада юздан зиёд талаба диний ва дунёвий фанлардан таълим олмоқда.

Малайзия Қироли мазкур обидалар билан танишув чоғида Ўзбекистонда миллий, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаши учун барча шароит яратилганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Талабаларга ўқишларида муваффақият тилади.

Малайзия қироли Тоқи Заргарон, Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, Арк қалъасини, бухоролик ҳунармандлар ясаган буюмлар кўргазмасини томоша қилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 10 сентябрь куни Самарқандга ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Имом ал-Бухорий масжиди зиёрати чоғида ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг номи ва асарларини малайзияликлар яхши билишини таъкидлади. Меҳмонга масжид тарихи хусусида маълумот берилди.

Масжид шўролар ҳукмронлиги даврида кимёвий ўғитлар сақланадиган омборга айлантирилиб, хароб аҳволга тушиб қолганди. Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бу ерда қисқа фурсатда меъморликнинг бетакрор намунаси бўлган маҳобатли мажмуа қад ростлади.

Олий мартабали меҳмон масжидни томоша қилди, фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Қирол зоти олийлари Самарқанд шаҳрида Бибихоним жомеъ масжиди, Регистон мажмуи каби тарихий обидаларни ҳам томоша қилди.

**Илҳом САФАР,**
**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МУСТАҚИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ

Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди. Яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққатлар эвазига четдан келтирилган мамлакатда қисқа вақт ичида ҳақиқий мўъжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида буғдой етиштирган Ўзбек ғаллакори бугун миллион-миллион тонналик хирмон уймоқда.

Истиқлолгача пахтадан бошқа экин экилмаган далаларда бугун бепоён ғаллазорлар денгиздек мавжланиб турибди. Энди ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан нон узилмайди. Ғаллачиликни ривожлантириш борасида ҳам Ўзбекистон беқиёс имкониятларга эга эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ҳар гектар ердан 70-80 центнердан ошириб дон олаётган деҳқонлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Уларнинг баъзилари ҳатто юз центнерлик маррани забт этишга ҳам муваффақ бўлмоқда. Мутахассислар эътирофича, мамлакатимизда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, унинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос, истиқболли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар келажакда янгидан-янги натижалар бериши шубҳасиз.

Ҳаётда оддий бир янгиликдан тортиб оламшумул ғояларнинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши енгил кечмайди. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати ҳам осонликча амалга ошгани йўқ. Зотан, бундай кенг қамровли саъй-ҳаракатларни муваффақиятли якунлаш оддий деҳқондан тортиб мутахассислар, раҳбарлардан ҳам жуда катта масъулият талаб этар эди.

Энг асосийси, ғалла мустақиллигига эришиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ҳам бевосита дахлдор эди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Мустақил юрт ғалласи» деб номланган янги китобни нашрдан чиқарди. Китобда истиқлолимизнинг боқийлиги, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган инсонларнинг мураккаб шароитда ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида амалга оширган ишлари, бу йўлда дуч келинган қийинчилик ва муаммолар қай тарзда бартараф этилгани хусусида ҳикоя қилинади. Ғалла етиштириш салмоғининг йилдан-йилга ошиб бориши, ҳосилдорликнинг ўсиш омиллари таҳлил қилинади. Деҳқонлар ва мутахассисларнинг эришилган ютуқлар ҳақидаги фикрлари қаламга олинади.

Очиғи, истиқлол йилларида мамлакатимизда дон мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ихчам бир китобда батафсил ҳикоя қилиш мушкул. Бу мавзуда яна кўплаб китоблар битилиши, шубҳасиз. Чунки ўзбекнинг ўз донига, ўз нонига эга бўлиши истиқлол йилларида қўлга киритилган энг улкан ютуқлардан бири сифатида ҳам теран мазмун-маъно касб этади.

**(ЎзА).**

## СЕССИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессияси материалларини, қабул қилинган янги қонун ҳамда қарорларни ўрганишга бағишланган тадбирларнинг навбатдагисини Давлат солиқ қўмитасида ўтказди.

Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. Турсунов парламентнинг навбатдаги сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада эркинлаштириш, икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги аҳамияти ҳақида сўзлади. Юртимизда иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашда солиқ идоралари ходимлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган йиғилишда иштирокчиларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарилди.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

● **СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!**



**Механик ҳайдовчи, шартнома бўйича кичик сержант Аҳрор Достоновни ҳарбий жамоада ўз ўрни бор. Самарқанднинг сара йигитларидан бўлган бу йигит ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.**
**Александр МРУЧАК** олган сурат.

● **САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИ**

## Иштиёқи баланд иштирокчилар

Янги Қонунга биноан барча округларимизда ҳудудий принципдан келиб чиққан ҳолда сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб этилган фуқаролар биринкетин ойлик йиғинларда иштирок этишмоқда.. Шу чоққача биринчи, иккинчи босқич ойлик йиғинлар муваффақиятли ўтказилди. Унда иштирок этганлар бир ой мобайнида ҳарб илмидан сабоқ олишгач, ҳарбий гувоҳномаларга эга бўлишиб, яна ўзларининг фуқаровий ҳаётига, меҳнат қилишаётган жонажон жамоалари бағрига қайтишди.

Истиқлол байрами руҳи кезиб юрган бир паллада яна жойларда сафарбарлик чақируви резерви ойлик йиғинларининг учинчи босқичи бошланиб кетди.

— Бу хизматга жалб этилганларнинг, — дейди Тошкент ҳарбий округида ўтказилаётган ойлик йиғинлар бошлиғи подполковник Алишер Мирзамуҳамедов, — ҳарб илмини ўрганишга, оз бўлса-да ҳарбий ҳаёт таъмини татиб кўришга иштиёқлари жуда баланд. Ким билади дейсиз, йиғин иштирокчиларининг айримлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, кейинги ҳаётларини ҳарбий соҳа билан боғлашар. Нима бўлганда ҳам уларнинг ҳаммаси хизматнинг ушбу турини ўташаётганидан жуда мамнун. Айниқса, ота-оналари айтмайсизми?! «Хизматнинг бу тури биз учун ҳам, фарзандларимиз учун ҳам жуда қулай», дейишмоқда.

Айни кунларда барча жойларда сафарбарлик чақируви резерви ойлик йиғинларининг учинчи босқичи қизғин давом этаётир. Йиғинлар муваффақиятли ўтказилиши учун барча шарт-шароит мавжуд.

**Подполковник**
**Абдураззоқ ОБРУЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● АСКАР МАКТУБИ

## Дилафрўзни севаман...



**«Ҳурматли «Ватанпарвар» мухбирлари, менга маслаҳатларингиз зарур. Йигитлик бурчимни Наманган вилоятида ўтаяпман. Ўзим Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманиданман. Дилафрўз исмли синфдошимни севаман. У ҳам мени севади. Суратини доимо ёнимда олиб юраман. Аммо Дилафрўзнинг ота-онаси қизларининг менга турмушга чиқишига бутунлай қарши. Мен усиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман.**

**Маслаҳат беринг, нима қилишим керак? Жавобингизни севимли газетамиз саҳифаларида кутиб қоламан.**

**Ҳурмат билан оддий аскар Умид».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Таҳририятимизга келадиган ҳар бир мактуб эътибор билан ўқиб-ўрганилади. Оддий аскар Умиджоннинг мактуби ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Аввало, соф ва муқаддас туйғу ҳисобланмиш севги қалбингизни макон тутганидан хурсандмиз. Бу туйғу илҳомбахш бўлиб, инсонни яхшиликлар сари ундайди.

Умиджон, ҳаётда ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди. Ҳар қандай муваффақият машаққатли меҳнатлар эвазига қўлга киритилади. Жумладан, муҳаббат ҳам. Шу туфайли ҳам бу туйғу барчага бирдек қадрлидир. Бугун армиямиз сафларида хизмат қилишга ҳамманинг лойиқ кўрилавермаслигини ўзингиз яхши биласиз. Маслаҳатимиз, Ватан олдидаги бурчингизни фидойилик билан ўтаб, хизматдаги ютуқлар билан барчани лол қолдиринг. Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Ажаб эмас, муваффақиятларингиз ҳақидаги овозалар олис Шерободга етиб, Дилафрўзнинг ота-онаси қалбини ҳам эритиб юборса.

Ушбу мактуб юзасидан газетхонларимизнинг фикр-мулоҳазалари битилган хатларни кутиб қоламиз.

● БУ ҚИЗИҚ

## Ўзимиз ҳақимизда нималарни биламиз?



**Вазни 70 килограмм келадиган одамда 24 соат ичида содир бўладиган ўзгаришлар:**

450 миллиард эритроцит (қизил қон ҳужайраси), 25 миллиард лейкоцит (оқ қон ҳужайраси), 300 миллиард тромбоцит (қон пластинкаси) нобуд бўлади ва ўрнига янгиси ҳосил бўлади.

Юрак танага 10—17 минг литр қон ҳайдаб беради.

Юрак қоринчалари 86400 марта қисқаради.

125 грамм оқсил, 70 грамм ёғ, 450 грамм углевод парчаланади ва 3000 ккал энергия ажратади.

135—140 та соч толаси тўкилади ва янгиси чиқади.

1,2—1,5 литр сийдик ажралади. Ўпка орқали 400 грамм, тери орқали 500 грамм сув бугланиб, чиқиб кетади.

Тахминан 20000 қадам йўл босилади.

Соч ва соқол 0,4 миллиметр ўсади.

Бир куб сантиметр кўз ёши ажралади.

## Тошбақафурушлар қўлга тушди

Божхоначилар Жиззах—Тошкент йўлининг Дўстлик тумани ҳудудида ғайриоддий «юк»ни тутиб қолди. Бир йўловчи 280 тошбақани олиб кетаётган экан.

«Қизил китоб»га киритилган бу жониворлар ўзининг доимий маконига — Фориш туманининг «Боғдон» ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги яйловларга қўйиб юборилди. Бу тошбақаларга бўлган биринчи хуруж эмас. Шунинг учун вилоят ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси бундай ҳолларнинг олдини олиш учун ички ишлар, божхона ходимлари билан ҳамкорликда рейдлар ҳам ўтказиб турибди. Шундай рейдлардан бирида Жиззах—Тошкент йўлида яна бир браконьер 270 тошбақани олиб кетаётганда қўлга тушди. Шу йилнинг ўзида вилоятдан ғайриқонуний олиб кетилаётган мингдан зиёд тошбақа асраб қолинди.

Тошбақа гўшти дунёнинг айрим мамлакатларида жуда тансиқ таомлардан ҳисобланади. Мўмай пул топиш илинжида бўлганлар тошбақа жониворни «бизнес» манбаига айлантиргани жуда ачинарли.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**УзА мухбири.**

### 245 СОАТЛИК БИЛЬЯРД

Брюсселлда яшовчи машҳур «Филиас» фирмасининг 34 ёшли ходими Патрик Паттин тўхтовсиз бильярд ўйнаб, жаҳон рекордини янгилади. Телевизион техника бўйича мутахассис бўлган бу йигит нақ 245 соат давомида мовут устида бильярд шарларини у ёқдан бу ёққа уриб, олдинги рекорддан бир йўла 5 соатга ўтиб ҳам кетган. Унга ҳар уч соатда 15 дақиқалик танаффус бериб турилмаганда, қай аҳволга тушарди, бечора...

**З. ИСАКОВА**
**тайёрлади.**

● ТЕАТРАЛЬНЫЙ СЕЗОН

## ПОБЕДНАЯ ПЕСНЬ МАЙСАРЫ

**Приход осени в театральном мире означает начало нового сезона. К нему актерские труппы готовятся основательно. Ведь зритель всегда жаждет чего-то нового, во многом необычного.**

**Кажется, этот сезон принесет ташкентскому зрителю немало приятных сюрпризов. Ведь целой обоймой новых постановок готовы удивить и пленить столичных любителей театра и гостей нашего города на подмостках Молодежного театра Узбекистана, в Театре музыкальной комедии (оперетты) и в других поистине талантливых творческих коллективах.**

В семьдесят четвертый раз радушно открылись двери Государственного Академического Большого театра имени Алишера Навои. Премьерой оперы «Проделки Майсары» С. Юдакова отметили открытие нового сезона здесь. Надо заметить, что под занавес прошлого дважды этот спектакль уже шел на сцене. И, судя по многочисленным отзывам, работа режиссера-постановщика Хайдарали Касымова пришлась по душе театралам.

Яркое действие, развернувшееся на сцене, как нельзя кстати и актуально звучит в Год махалли. Веселая и грустная музыка, колоритные декорации, незаурядная игра актерского состава — все это придает спектаклю задор и особое настроение. Настоящей хозяйкой, сильной по натуре, но все же очень женственной предстала на сцене Майсара — Мавлюда Оринбаева. Все в ней присутствует в равных долях: и женская проницательность, и хитрость, и озорство, и обаяние. Потому никому из согероев оперы — ни Кози, ни Дарге, ни Хидояту — не справиться было с ее «шахматистским» умом.

Хотя по яркой игре последний, эту роль сыграл Рамзитдин Усманов, был близок и симпатичен благодарной публике не менее самой героини оперы. Да и ее воздыхатель Мулладуст в исполнении Латифа Жураева не единожды награждался аплодисментами. Актер и словом, и действием доказывает, что любовь не только всем возрастам покорна, но является еще и какой-то невероятной движущей силой вне зависимости от существующих сейчас обстоятельств.

## „ДОН-КИХОТ“-САН И ДРУГИЕ...



На сцене Большого театра в минувшие дни состоялось еще одно значимое событие. Уже несколько лет здесь проходят совместные постановки балетных трупп нашего театра и их коллег из Японии — Балетной школы «Тойота» им. П. И. Чайковского.

В предыдущие годы совместно ставились «Лебединое озеро», «Щелкунчик», «Жизель». На этот раз зрители могли насладиться музыкой Л. Минкуса в балете «Дон-Кихот». Все основные женские партии исполняли японские гостьи, так как с наличием танцоров есть большие проблемы и в Японии (как сказал на пресс-конференции генеральный директор балетной школы «Тойота» и ее художественный руководитель Сува Хитоши: «Мужчины-танцоры — это мировой дефицит»).

Обновленные декорации, игра света, звучащая завораживающая музыка придавали особую торжественность событию. Прекрасно сыграла партию Китри на узбекской сцене победительница Всеяпонского конкурса солистов балета, выпускница Академии русского балета им. Вагановой в Санкт-Петербурге Мияке Юка (**на снимке**). Ее возлюбленного Базиля сыграл И. Меналиев, заслужив не меньше зрительского внимания. Их поклону в зале аплодировали стоя. Лучшая роль второго плана, выражаясь языком «киношников», несомненно была за Санчой Панса в исполнении заслуженного артиста Республики Узбекистан Владислава Егай. И пусть она была вовсе не «танцевальной», но весьма характерной, на что, соответственно, реагировала публика в зале.

Совместный «Дон-Кихот» был показан также и в Самарканде. А Министерство по делам культуры нашей страны наградило Почетной грамотой Суву Хитоши за плодотворное сотрудничество в течение последних лет между нашими странами. В ноябре состоится ответный визит части труппы Большого театра в Японию, где партию Китри будет исполнять заслуженная артистка Республики Узбекистан Тамила Мухамедова. В гастрольный вояж отправится вместе с ней и группа «мирового дефицита», чтобы продемонстрировать японским зрителям уровень балета нашей страны.

**Подполковник**
**Камиль**
**МИРГАЛАУТДИНОВ.**

◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ ◆ РЕКЛАМА ◆ 56-54-76 ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 9 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | |
|---|---|
| 1 АҚШ доллари | 973,90 |
| 1 евро | 1079,18 |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

### ТАБРИКНОМА!

**Фахриддин РАШИДОВга**

**Дадажон, туғилган кунингиз муборак бўлсин. Сизга бахт, соғлик, омад, она-Ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли касбингизда улкан зафарлар тилаймиз.**

**Қизларингиз — Дилноза, Рушана.**

### КУПЛЮ

◆ Старые нагрудные знаки: правоохранительные (ВЧК, НКВД, МООП, МВД, КГБ), депутатские и др., жетоны, монеты, марки, бронзовые изделия, кортик. Т.: 68-49-19.

### РАЗНОЕ

◆ Утерянный диплом КНГ № 259367 от 01.07. 2001 г., выданный Ташкентским транспортным профессиональным колледжем на имя ДЕРКАЧА Максима Викторовича, считать **недействительным.**

